

# Малака ошириш курсларида долзарб масалалар муҳокама этилмоқда

// 23.10.2020

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/media-school>



Миллий Масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Медия ва коммуникациялар мактаби" лойиҳаси доирасида матбуот котиблари учун малака ошириш курси ўтказилмоқда.



Уч кун давом этадиган малака ошириш курсларида вазирлик, идора, ташкилот ва компаниялар Матбуот котиблари қаторида "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Матбуот хизмати раҳбари ҳам иштирок этмоқда.



Курсда ахборот маданияти соҳасидаги билимларини ошириш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар, инқирозли коммуникациялар, тайм менеджмент ва PR стратегия бўйича билимлар шакллантирилмоқда.

